

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДАЛИЕВА ГАВҲАРХОН АВАЗОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАТНЛАРИДА СИНОНИМЛАР
ҚЎЛЛАНИШИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

ЎДК: 811.111'373.421

811.512.133'373.421

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on
philological Science**

Сайдалиева Гавҳархон Авазовна

Инглиз ва ўзбек матнларида синонимлар қўлланишининг стилистик
хусусиятлари5

Сайдалиева Гавҳархон Авазовна

Стилистические особенности использования синонимов в английском и
узбекском текстах25

Saydalieva Gavharkhon Avazovna

Stylistic Features of Synonyms in English and Uzbek Texts47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

САЙДАЛИЕВА ГАВҲАРХОН АВАЗОВНА

ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК МАТНЛАРИДА СИНОНИМЛАР
ҚЎЛЛАНИШИНИНГ СТИЛИСТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик

Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Fil833 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.uzswlu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Палуанова Халифа Дарибаевна
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Хайруллаев Хуршиджон Зайниевич
филология фанлари доктори, профессор

Асқарова Шахноза Камалиддиновна
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий Университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019. Fil/Ped. 27.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «26» декабрь куни соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92, e-mail: uzswlu_info@mail.ru)

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Ахборот-ресурс марказида таништиш мумкин (38 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 21-А уй. Тел.: (99871) 230-12-91, факс: (99871) 230-12-92.)

Диссертация автореферати 2022 йил «14» декабрь куни тарқатилди.
(2022 йил «14» декабрь даги 38 рақамли реестр баённомаси.)



[Signature]
Г.Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, филол. ф.д., профессор

[Signature]
Х.Б. Самигова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, филол. ф.д., доцент

[Signature]
Ж.А. Якубов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси,
филол. ф.д., профессор

Сканировано с CamScanner

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳондаги барча тиллар учун хос бўлган универсал хоссалардан бири синонимия бўлиб, у ҳозирги ахборот жамиятида олинган маълумотни қайта ишлаш, узатиш ва сақлашда муҳим аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, нутқда ва матнларда синонимия ҳодисасининг шаклланиши ва ривожланишига бўлган қизиқишни орттирмакда. Синонимияни ўрганишда унинг когнитив жиҳати долзарб бўлиб, тил, тафаккур ва воқелик, лексик бирликлар орасидаги ўзаро фарқли, ўхшаш томонларини ўрганишда бу лисоний ҳодисанинг янги истиқболларини илмий жиҳатдан асослашга хизмат қилади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, тилнинг луғат таркибини ташкил этувчи унсурларда мавжуд бўлган категория ва фарқли хусусиятларни очиб бериш тадқиқ этилаётган тилларнинг назарий асосларини такомиллаштиришга, янги тушунча, атама ва категорияларнинг пайдо бўлишига муқаррар олиб келади.

Дунё тилшунослигида ҳозирги кунда устувор бўлган антропоцентризм парадигмасининг когнитив тилшунослик йўналиши умумий ва хусусий тилшуносликдаги айрим тушунча, метод ва тамойиллардан воз кечиш, тилни янги, когнитив тилшуносликнинг асосий тамойиллари ва тадқиқ усулларида кенг фойдаланишини долзарб масала қилиб белгилаб берди. Бу борада турли матнлар доирасида синонимларнинг қўлланишидаги луғавий ва контекст тамойилларини ажратиб кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислоҳотлар шароитида миллий тил ҳодисалари ва категорияларининг функционал-семантик, лингвомаданий ва когнитив хусусиятларини аниқлашга жиддий эътибор берилмоқда. «Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди»¹. Бу борада сўзлараро семантик муносабатларнинг стилистик хусусиятларини замонавий мезонлар асосида ёритиш, турли матнлар доирасида синонимларнинг хоссаларини далиллаш кабилар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон², 2019 йил 8 октябрдаги «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. – 22 октябрь

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил 18 февраль, № 28 (6722).

тўғрисида»ги ПҚ-3775-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 610-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 24 январидagi Олий Мажлис палаталарига Мурожаатномаси ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Синонимларнинг матнда қўлланилишининг стилистик функцияларига алоқадор масалаларни қиёсий-чоғиштирма планда турли тизимли тиллар материалида тадқиқ этиб, тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммоси сифатида хорижда, Россия ва Ўзбекистонда тўпланган бой тажрибалар асосида такомиллаштириш имконияти мавжуд.

Синонимларнинг матндаги стилистик функционал юқламаси ва умуман стилистик синонимия масаласи қўйдаги изланишларда тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилган.

Турли тиллардаги стилистик синонимларнинг турлари ва функциялари В.В. Виноградов, Г.Н. Короленко, Е.Н. Соколова, И.Б. Трубянова, М.Я. Блох, А.Б. Даниева, В.Д. Бондалетов, И.Г. Добродомов, М.И. Задорожный ва бошқалар томонидан ўрганилган.³

Стилистик синонимларнинг турли тилларда ўрганилиши масаласи А.И. Акимова, Е.И. Абрамова, Ю.О. Князева, К.П. Смолина, Е.Н. Соколова, Г.В. Царева, Э.П. Кадькалова, В.Д. Джабраилова, Г.П. Галаванова, И.В. Шпотова, В.А. Хомяков, Е.Н. Толикина, Р.А. Будагов, Г.В. Колпакова ишларида таҳлилга тортилган⁴.

³Виноградов В.В. Категориальная типология и языковой тип. – М., 1993.; Добродомов И.Г. Этимология, контекст, значение. Вопросы словообразования и лексикологии древнерусского языка. – М., 1974. – 284 с.; Короленко Г.Н. О синонимии русских сложносочиненных предложений адвекативного типа// IV Международный конгресс исследователей русского языка. Филологический факультет МГУ им. М. В. Ломоносова. – Москва, 2010 г. – 205 с.; Соколова Е.Н. Поэтонимия как феномен языковой картины мира. Вестник Челябинского государственного педагогического университета. 2013. №1. 290-299 с.; Трубянова И.Б. Синонимы как стилистическое средство выразительности в поэзии Г. Матюковского. – Йошкар-Ола, 2009. – 90 с.; Блох М.Я. Публичная речь и ее просодический строй. Монография. – Москва, 2017. – 128 с.; Даниева А.В. Эвфемизация и мифологизация понятия «идентичность» в современных информационных технологиях. Информационные войны. 2019. 31-35с.; Бондалетов В.Д. Теория языка: учебное пособие. – М., 2004.; Задорожный М.И. К основаниям системной гипотезы синонимов// Научные доклады высшей школы. – М. Филологические науки, 2001. – 647 с.

⁴Акимова А.И. Лексическая и словообразовательная синонимия (на материале суффиксальных отсубстантивных глаголов). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Бийск, 2002.; Абрамова Е.И. Параллельные синонимические ряды в русском и белорусском языках. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –

Стилистика фанининг умумий ва хусусий масалаларига В.В.Виноградов, А.А. Брагина, Т.Г. Винокур, Л.А. Новиков, П.Г. Черемисин, Е.Ф. Петришева, Ю.М.Скрёбнев, И.П. Распопов, С.Ульман, Н.И. Флекенштейн каби олимлар эътибор қаратган⁵.

И.А. Сиддикова, А. Хожиев, Ю.Д. Апресян, А.П. Евгеньева, Ж.Ш. Джумабаева, Е.А. Уварова, Б.Х. Данияров, Д. Кристал сингари тилшунослар амалга оширган тадқиқотлар синонимларнинг тил унсурлари сифатидаги белги, хусусиятлари ва турларини очиқ беришда муҳим аҳамият касб этади.

Стилистик синонимларни бир тилдан бошқа тилга таржима қилиш муаммоларини А.А. Шарипова, Г.Ш. Гасанов, Т.Б. Баранникова, Д.Ж. Абукарова ўз тадқиқотларида муҳокама қилишган⁶.

Умуман олганда, замонавий тилшуносликда барча ривожланган тиллар, шу жумладан, инглиз, рус, ўзбек тиллари материалида синонимия ҳодисаси ва стилистик синонимларнинг моҳияти, уларнинг турли қатламлари ўртасидаги фарқлар ва ўхшаш белгилари етарлича тадқиқ этилмаган. Мавжуд тадқиқотларда муаллифлар синонимия ҳодисасининг структуравий-функционал хусусиятларига асосий эътибор қаратишган, аммо муаммога когнитив-концептуал, лингвомаданий ва бошқа инновацион йўналишлар

Минск, 1990.; Князева Ю.О. Стратегии синонимизации в русской и британской лингвокультурах. дисс...канд. фил. наук. – Курск, 2009.; Смолина К.П. Лексико-семантическая группа и синонимический ряд как конкретная манифестация системности в лексике. Язык: система и функционирование. Сборник научных трудов. – М., 1988. –112с.; Соколова Е.Н. Стилистическая синонимия в русских памятниках старшей поры. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Тюмень, 1999. –56 с.; Царева Г.В. Об одном синонимическом ряде в немецком и английском языках. Синонимия и функциональная взаимозаменяемость на различных уровнях языковой структуры. – Нальчик, 1976. –45 с.; Кадькалова Э.П. Лексическая синонимика в ее отношении к словообразованию и грамматике. Актуальные проблемы филологии и ее преподавания. Ч. II. – Саратов, 1996. –123 с.; Джабраилова В.Д. Глагольная синонимия в кумыкском языке: В сопоставлении с английским. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2004. 89-98 с.; Галаванова Г.П. К вопросу о роли взаимозаменяемости при выделении и определении синонимов. Синонимы русского языка и их особенности. – Л., 1972.; Шпотова И.В. Стилистическая функция – новый смысл существования лексических архаизмов. Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Махачкала, 2003. – 26 с.; Хомяков В.А. Синонимы в английском просторечии. Семантика слова и предложения в английском языке. – Л., 1980. – 46 с.; Толикина Е.Н. Синонимы или дублеты. В сб. Исследования по русской терминологии. – М., 1971. – 206 с.; Будагов Р.А. О синонимах стилевых и стилистических. Введение в науку о языке. – М., 1965.; Колпакова Г.В. Синонимия с позиций когнитивистики// Вестник МГЛУ. Вып. 503. – М., 2004. – 114 с.

⁵ Виноградова В.В. Стилистический аспект русского словообразования. –М., 1984.;Брагина А.А. Синонимы и их истолкования. Вопросы языкознания. – М.: 1978. –85с.; Винокур Т.Г. Синонимия в функционально-стилистическом аспекте// Вопросы языкознания. –М.,1975. – 110 с.; Лагутина А.В. Абсолютные синонимы в синонимической системе языка. Лексическая синонимия// Сборник статей. –М., 1967. – 105 с.; Новиков Л.А. Семантика русского языка. – М., 1982. – 38 с.; Черемисин П.Г. Опыт исследования стилистической синонимии. – Орел, 1966. – 168 с.; Ульман С. Дескриптивная семантика и лингвистическая типология // Новое в лингвистике. Вып. II. – М., 1962. – 87 с.; Флекенштейн Н.И. Лексико-семантическая группа синонимов «жилая комната» (на материале английского и немецкого языков). Автореф. дис. ... канд. филол. наук. –М., 2002.

⁶ Шарипова А.А. Стилистик синонимлар таржимасининг лингвокультурологик хусусиятлари.(инглиз ва ўзбек тиллари материаллари асосида). Филол.фан. фалс. д-ри. ...дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 26 с.; Гасанова Г.Ш. Именная синонимия лезгинского и арабского языков. АҚД. –М.,2004. – 56 с.; Баранникова Т.Б. Стилистические синонимы: принципы и методы исследование. –Махачкала, 2005. – 98 с.; Абдукарова Д.Ш. Синонимия азербайджанского языков, АҚД. – М., 2006. – 29 с.; David Crystal. Re-thinking synonymy: semantic sameness and similarity in languages and their description. – Helsinki, 2010. – 15 p.; Галкина-Федорук Е.М. Об экспрессивности и эмоциональности в языке// Сборник статей по языкознанию. Проф. МГУ. акад. В.В. Виноградову. – М., 1958. – 43 с.

нуктаи назаридан ёндашилмаган. Синонимларни стилистик жиҳатдан қиёслаш масаласи инглиз ва ўзбек тиллари материалида тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек матнларида синонимлар қўлланилишининг стилистик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг ишининг вазифалари:

инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимлар тадқиқини фалсафий-методологик ёритиш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимларнинг нутқий ва матний воқеланишидаги интралингвистик ва экстралингвистик омилларини когнитив парадигмада изоҳлаш;

турли лексикографик манбалар асосида синонимик қатордаги лексик бирликларнинг гештальт таҳлилинини ўтказиш;

лексикографик манбалар асосида инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимларнинг концептуал-семантик таҳлилинини амалга ошириш;

инглиз ва ўзбек матнларида синонимларнинг матнда бажарадиган стилистик функцияларини ва ўзаро позицион алмашинувини илмий далиллаш;

инглиз ва ўзбек матнларида синонимларнинг стилистик хусусиятларини корпус таҳлили орқали изоҳлаш;

синонимларнинг инглизча ва ўзбекча луғатини ишлаб чиқиш.

Тақиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимлар танланган.

Тадқиқотнинг предметини инглиз ва ўзбек тилларидаги матнларда синонимларнинг стилистик хусусиятлари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда компонент-таҳлил, когнитив-контекстуал, корпус таҳлили, маданиятлараро чоғиштириш методларидан кенг фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат.

инвентарли, тушунтирувчи, тезаурус каби синонимик луғатларда берилган сифатларнинг мантиқий-семантик муносабатлари синонимик қаторда ифодалаган концептларни гештальт ёндашув асосида лексикографик манбаларда қайд этилмаган синонимик муносабатлари аниқланган;

синонимларни матндаги аниқлаштириш, ўрин алмаштириш, таққослаш, ўхшаш ҳодисаларни қарама-қарши қўйиш, кучайтириш каби услубий вазифалари инглиз ва ўзбек луғатлари асосида, уларнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари когнитив ёндашув асосида бир синонимик қаторда турмайдиган ностандарт лексик бирликларни контекстга мос равишда маънодош бирлик сифатида қўлланиши далилланган;

инглиз ва ўзбек матн услублари (илмий услуб, расмий услуб, публицистик услуб ва бадиий услуб) доирасида қўлланиладиган

синонимларнинг матн шаклланиши жараёнидаги ўрни ва матн услубига асосланиб, маъно хираликларининг олдини олиш мақсадида маъно хираликларини олдини олиш мақсадида синонимларнинг стилистик жиҳатдан позицияларини алмашиши исботланган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги синоним сўзларнинг дискурсдаги маъноси уни ўраб турган контекстнинг семантикасига боғлиқлиги ва лексемаларнинг семантик структурадаги янги маъно компонентлари корпус таҳлиллари асосидаги сўз бирикмалари (unique collocation, strong collocation, weak collocation, medium-strength collocation) грамматик ва контекст стил мезонлари орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

тадқиқот натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ахборот коммуникация технологиялари ва алоқа ҳарбий институти курсантларининг инглиз тилидаги билим кўникмалари, луғат бойлиги, оғзаки ва ёзма нутқини оширишга хизмат қилувчи «English-Uzbek Military Dictionary with Synonyms» луғати ишлаб чиқилган;

талабаларнинг амалий машғулоти ва мустақил равишда тил кўникмаларини ривожлантириш учун «I Tutor of Scale Up» ва «Military Dictionary with Synonyms» деб номланган ЭҲМ дастурлари яратилган;

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети 5330500 – «Компьютер инжиниринги» факультети талабалари учун синоним сўзларни семантик структурадаги янги маъно компонентларини ажратиш олишга ҳамда контекстга мос лисоний бирликларни танлашга имкон берувчи «Basic English for Computer Engineers» номли ўқув қўлланма тайёрланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқ қилинган тил унсурлари, мавзу ва йўналиш бўйича таҳлил қилинган назарий маълумотларнинг бадиий дискурсга тегишли манбалар талқини асосида далилланганлиги, келтирилган таҳлиллари, контекстуал-функционал, компонент таҳлил методи, контекстуал даражаланиш таҳлили методи, дистрибутив анализ, таснифлаш, тавсифлаш, чоғиштирма метод, статистик ва бошқа таҳлил усуллари воситасида асосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, келтирилган таҳлиллар, мавжуд материаллар инглиз ва ўзбек тилшунослигининг истиқболлини белгиловчи турли назарий ва амалий муаммоларга ечим топишда муҳим манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма хулосалар ва таҳлиллардан «Умумий тилшунослик», «Тилшуносликка кириш», «Инглиз тили лексикологияси», «Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий типологияси», «Таржима назарияси», «Инглиз тили стилистикаси» каби назарий ўқув курслари дастурлари ва режаларини такомиллаштиришда, анъанавий ва структуравий тилшуносликнинг айрим

мунозарали жиҳатлари ва антропоцентрик парадигма асосида яратилган когнитив семантика, лингвокультурология соҳасидаги изланишларни ўқитиш ва ривожлантириш, нутқнинг айниқса хорижий тил нутқининг коммуникатив жиҳатларини эгаллашни мукаммаллаштиришнинг лингвистик асосларини шакллантиришга хизмат қилувчи янги авлод дарсликлари, ўқув, услубий қўлланмалари монографиялар яратишда ва соҳа бўйича яратилаётган янги тадқиқотларнинг назарий ва амалий жиҳатдан бойитилишига хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек матнларида синонимларининг стилистик хусусиятлари бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг илмий натижалар асосида:

инвентарли, тушунтирувчи, тезаурус каби синонимик луғатларда берилган сифатларнинг мантикий-семантик муносабатлари синонимик қаторда ифодалаган концептларни гештальт ёндашув асосида, шахснинг яхлит ақлий тузилмалари ва уларнинг лингвистик хусусиятларига доир хулосалардан «English-Uzbek Military Dictionary (with synonyms) муаллифлик луғатида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 4 октябрдаги 892-сонли буйруғи). Тадқиқот натижаларидан олий таълим муассасалари ва мудофаа муассасалари фаолиятида курсантларнинг билим даражасини, сўз бойлиги ва коммуникатив нутқини оширишда «ENGLISH-UZBEK MILITARY DICTIONARY WITH SYNONYMS» луғати (892-027 рақамли гувоҳнома) асос бўлиб хизмат қилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги 89-03-3178-сон маълумотномаси ва Ўзбекистон республикаси мудофаа вазирлигининг 2020 йил 28 декабрдаги 25/10/1561-сон маълумотномаси). Натижада луғатнинг мазмун контентини бойишига хизмат қилган;

синонимларни матндаги аниқлаштириш, ўрин алмаштириш, таққослаш, ўхшаш ходисаларни қарама-қарши қўйиш, кучайтириш каби услубий вазибалари инглиз ва ўзбек луғатлари асосида, уларнинг интралингвистик ва экстралингвистик омиллари оид натижалардан «BASIC ENGLISH FOR COMPUTER ENGINEERS» номли ўқув қўлланма мазмунига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 18 августдаги 356-077-рақамли гувоҳномаси). Ушбу хулосалар талабаларда бир синонимик қаторда турмайдиган лексик бирликларни контекстга мос равишда маънодош бирлик сифатида қўллай олиш каби билим кўникмаларини ривожлантириш имконини яратишга хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек матн услублари (илмий услуб, расмий услуб, публицистик услуб ва бадиий услуб) доирасида қўлланиладиган синонимларнинг матн шаклланиши жараёнидаги ўрнига оид синонимларнинг стилистик жиҳатдан позицион ўрин алмашишига оид назарий хулосалардан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида 3/18-Ф рақамли «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳаси изоҳли луғатини ишлаб чиқиш» мавзусидаги

фундаментал лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил 9 февралдаги 89-03-768-сон маълумотномаси). Натижада луғатнинг мазмун контентини бойишига хизмат қилган;

инглиз ва ўзбек тилларидаги синоним сўзларнинг дискурсдаги маъноси уни ўраб турган контекстнинг семантикасига боғлиқлиги ва лексемаларнинг семантик структурадаги янги маъно компонентлари корпус таҳлиллари асосидаги хулосаларига оид натижалардан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг «Ўзбек тилидаги матнларни ахборотларни таҳлил қилиш ва таснифлаш тизимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил 9 февралдаги 89-03-768-сон маълумотномаси). Ушбу хулосалар тил бирликларининг матн яратиш жараёнидаги ўрни ва матн услубларига асосланган ҳолда синонимларнинг позицион ўрин алмашинуви контекстдаги маъно хираликларини олдини олишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро, 10 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертациянинг мавзуси бўйича 26 та илмий иш нашр этилган, шулардан 1 та луғат, 1 та ўқув қўлланма, 2 та ЭҲМ дастурлари учун электрон дастур, 12 та илмий тезис ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 10 та илмий мақола, булардан 4 таси республика ва 6 таси хорижий ва Scopus базасида индексацияланган журналларда чоп этилган. Ишнинг мазмуни мазкур ишларда тўлиқ акс эттирилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 152 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланиб, унинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, усуллари тавсифланган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, ишнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, натижаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Синонимларнинг лингвистик статуси ва тил бирлиги сифатидаги тизимли тадқиқи**» номли биринчи бобида синонимларнинг структурал-семантик ва функционал таснифи, синонимларнинг прагматик турлари ва стилистик вазифалари, бадиий матннинг лингвосомиотик таҳлили масаласининг ҳозирги замон фанидаги талқини юзасидан илмий-назарий изланишлар тадқиқ этилган. Синонимларнинг мавжудлиги, синоним сўзлар орасидаги алоқалар қадимдан семасиология муаммоларини ишлаб чиқувчи тилшуносларнинг эътиборини тортиб келган. Синонимия муаммоси кўп ўлчовлилиги ва когнитив табиати боис тилшунослар диққатини доимо ўзига жалб этиб келган.

XX асрнинг сўнги чорагида жаҳон тилшунослигида янги бурилиш, яъни матнни антропоцентрик позициядан тадқиқ этиш тилшуносликда туб бурилиш сифатида баҳоланиб, матн тадқиқига бағишланган ишларда ўз аксини топмоқда. Лисоний фаолият маҳсули ҳисобланган нутқ тузилмаларини антропоцентрик тадқиқ этиш халқнинг миллийлигини, миллат менталитетини тил бирликлари орқали кўрсатиб беради. Антропологик тилшунослик «*антропоцентризм*» йўналиши омиллари билан узвий боғлиқ бўлиб, антропоцентризм тадқиқот объекти марказига, аввало, инсон омили қўйилади. Шундай экан, чоғиштирилаётган инглиз ва ўзбек тилларида синонимия ҳодисаси ифодаланишида инсонни ўраб турган атроф-муҳит ва борлиқни ҳис қилишида муҳим аҳамиятга эга бўлган эмоцияларни тўғри, уларни тилда синонимларни тўғри танлашда иштирок этувчи эмотив лисоний бирликлар бевосита антропоцентризм мезонларига боғлиқ ҳолда тадқиқ этилиши мақсадга мувофиқ. Тилшунослик нуқтаи назаридан синонимия ҳодисаси замонавий тилшуносликнинг антропоцентрик йўналишига мувофиқ бўлиб, бунда матн нафақат сўзловчи ва фикрловчи субъект позициясидан, балки ҳис қилувчи инсон позициясидан ҳам олиб қаралади, чунки матнда ифодаланаётган лисоний бирликлар синонимларининг нотўғри қўлланиши идрок этувчи шахс тасавурида контекстга мос бўлмаган тушунчани пайдо бўлишига олиб келади. Антропоцентризм тилнинг ҳиссиётга оид лисоний воситаларини ўрганиш зарурлигини тақозо этади, чунки ҳиссий ва ақлий жараёнлар инсон ҳаётида муҳим роль ўйнайди ва уларсиз ҳаёт фаолиятини тўлиқ амалга ошириш мумкин эмас. Бизнинг тасаввуримизда инсон эмоциялари туйғулар, хулқ-атвор ва психологик элементларни ўз ичига олган муайян ҳаётий вазиятни муҳим томонига қаратилган ички ҳиссий реакциянинг мураккаб туридир.

Синонимия ҳодисаси дунёнинг барча тилларида кенг ёйилган ҳодиса бўлганлиги боис бу ҳодиса муҳокама қилиниб, чуқур илмий таҳлиллар олиб борилган асарлар талайгина. Лекин шунга қарамай, узоқ йиллар дунё миқёсида олиб борилган юзлаб тадқиқотлар масалага охирги нуқтани қўймаган. Д.Кристалнинг фикрича, синонимия икки ёки ундан ортиқ бир хил маънога эга бўлган лисоний шаклларни ифодалайди. Бу лингвистик шакллар контекстда берилган икки ёки ундан ортиқ бир хил маънога эга бўлган лексик бирликларни бири ўрнида иккинчисини қўллаш олиш билан

таърифлаган⁷. Бироқ бошқа олимлар синонимия тушунчасини морфема, лексема, лексик birlikлар, ибора гаплар билан чамбарчас боғлиқ, шунингдек, улар лексик ва мантикий ёки лексик, иборавий ва мантикий синонимларга бўлиб таъриф берганлар. Палмер иккита бир хил маънога эга бўлган синонимларни йўқ деб ҳисоблайди, унинг фикрича, синонимларни кўриб чиқишда қуйидаги омилларга эътибор қаратиш лозим:⁸ 1. Синонимларнинг бир қисми тилнинг турли шеваларига тааллуқли, масалан: *autumn* сўзи АҚШда британия эквиваленти *fall* сифатида ишлатилади. 2. Бир хил маънодаги сўзлардан услубни ўзгартириш учун фойдаланилади. Синонимларнинг расмий ва сўзлашув услуби даражасига таъсир этиш учун фойдаланиш; масалан: *gentleman* сўзи *man* сўзидан кўра расмийроқ. 3. Баъзи сўзлар эмотив ва баҳоловчи маъноларда бир-биридан фарқ қилиши мумкин, лекин уларнинг когнитив маъноси бир хил бўлади, масалан: *politician – state man*.⁹

Синонимлар ҳақида рус тилшуносларининг ҳиссасини эътироф этиш муҳимдир. А.А. Брагинанинг ёзишича: «Биз синонимлар учун асос деб бир тушунчанинг турли кўринишларини ифодаловчи маъновий яқинликни ҳисоблаймиз. Шундай ҳолда синонимларнинг фарқлаш функцияси биринчи даражали аҳамиятга эга бўлади, синоним сўзларнинг фақат умумий маъноси эмас, балки ҳар бир синонимик сўзнинг муҳим фарқловчи хусусиятлари юзага чиқади»¹⁰.

Синонимияга семантик ҳодиса сифатида тилшунос олим А.Хожиевнинг «Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати»да шундай таъриф берилади: «Тил birlikларининг (сўзлар, иборалар ва бошқалар) бир хил денотатив маънога эга бўлиши асосида гуруҳланишига синонимия дейилади». Ушбу фикрга яқин таърифни Ғ.Абдурахмонов ва Ҳ.Рустамовларнинг илмий ишларида ҳам кузатиш мумкин. Унга кўра, «Синонимия услубларнинг бир тури бўлиб, асосий маънога қўшимча услубий маъноларни (коннотатив) ифодалаш учун қўлланилади»¹¹.

Эмоционал маъноли синонимлар гапирувчи ахборот олаётганда фикрни жуда аниқ манбаи бўлиб хизмат қилади. Уларнинг эмоционаллиги контекстнинг стилистик хусусиятига таъсир қилади. Масалан:

*Surprised was I? Astounded would rather have been the word.*¹²

Агар биринчи гапда *Surprised* феъли нейтрал тус олса ва «ҳайрон бўлмоқ» маъносини билдирса, кейингисида *Astounded* феъли жуда эмоционал бўёқдор, яъни «ҳайратдан додираб қолиш»ни ифодалайди. Экспрессив эмоционал маъноси бўйича фарқ қилувчи ва нутқни турли услубларида ишлатувчи синонимлар семантик стилистик синонимлар дейилади: хотин

⁷ Crystal D. Words in time and place: exploring language through the historical thesaurus of the Oxford English Dictionary// OUP Oxford; 1st edition. 2014, – 5 p.

⁸ Palmer F.R. Semantics//Cambridge University Press, 1981. – 15p.

⁹ Palmer F.R. Lexical aspect in English// Selected papers from the 18 th ISTAL, – L., 2009. 12-15 p.

¹⁰ Брагина А. А. Синонимы и их истолкование//– Вопросы языкознания. – М., 1978. № 6, – 65 с.

¹¹ Абдурахмонов Ғ. Рустамов Ҳ. Она тили. –Т.:Ўқитувчи, 2004, –82б.; Хожиев А.П. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1964. – 235 б.

¹² Coppard E.A. The collected tales of A.E.Coppard// L., 2000. – 118 p.

(умум ишлатувчи) – рафиқа (расмий); ёшлар (оғзаки нутқда) – янги келин-куёвлар (расмий); юз (нейтрал) – башара (норасмий) – чехра (расмий). Бундай мисолларни инглиз тилида ҳам келтириш мумкин:

to see (neutral) – to behold (bookish) money(neutral) – dough (colloquial)
food (neutral) – grub (colloquial) to live (neutral) – to hand out (colloq)
a girl (neutral) – a maiden(poetic)

Синонимлар услубга бўлган муносабатига кўра ўзаро фарқланиши, яъни услубнинг бирор турига мансуб ёки услубий бетараф (нейтрал) бўлиши мумкин. Матнларда синонимларни ўз ўрнида, услуб қонуниятига кўра қўллаш маҳорат белгисидир. Лекин баъзан уларни ноўрин қўллаш, луғавий-услубий таъсирчанлик билан алоқаси бўлмаган ҳолда такрорлаш ҳоллари ҳам учраб туради ва бундай ноўрин қўллаш нутқий таъсирчанликни юзага келтирмайди, аксинча бадий матнни сунъийлаштиради. Асосан ҳар бир синонимни ўзига хос хусусияти унинг бадий матндаги ифодасида яққол кўзга ташланади. Синонимлар таснифида муайян тамойил ва маъно компонентларини ҳисобга олиш лозим. Шу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, юқорида келтирилган таърифларга қўшимча равишда қуйидагиларни киритиш жоиз:

Синонимлар лингвистик ва экстралингвистик воқелик таъсирида бир объектни бир хил маъно билан номлайдиган, тизимли алмашинув муносабатларга асосан коммуникатив-прагматик вазифаларни бажарадиган лисоний бирликлардир. Демак, номинатив омилнинг экстралингвистик ва интралингвистик хусусиятлари билан воқеланиши: *биринчидан*, бир қатор микротизимларда синонимларни танлашга ёрдам беради; *иккинчидан*, микротизимдаги бошланғич тушунчани аниқлаштиришга ёрдам беради. Таклиф этилаётган таърифга синонимларни тизимли алмаштириш омилнинг киритилиши синонимларнинг ўзига хос хусусиятлари учун ҳам, уларнинг функционал эквивалентлардан ажратиш учун ҳам муҳимдир. Синонимларни коммуникатив-прагматик хусусиятини асосий мезон сифатида эътироф этиш синонимик қатордаги лексик бирликларни контекстга мослигини ёки мос эмаслигини ажратиш учун муҳимдир.

«Стилистик жиҳатдан бўёқдор синонимик қаторларнинг лексикографик талқини масаласи» номли иккинчи бобда турли стилистик гуруҳларга мансуб синонимларнинг ўзбек ва инглиз тили луғатларида берилишига, гештальтларнинг синонимик луғатларда ифодаланиши, стилистик синонимлар сифатида қўлланилган лексик дублет ва архаизмларнинг концептуал-семантик тадқиқига бағишланган. Луғатларда лексик бирликлар турли билимларни фаоллаштириш орқали ўрганилади. Объектив омиллар талқинида лексик бирликларнинг семантик боғланиши орқали шахснинг концептуал дунёсига кириб борилади. Синонимларни когнитив парадигмада концептуал таҳлил, гештальт ёндашув (шахснинг яхлит ақлий конструкциялари ва уларнинг лингвистик хоссаларининг ўзаро таъсири) асосида ўрганилиши лексикографик манбаларда қайд этилмаган синонимик муносабатларни аниқлашга имкон беради. Ушбу таҳлилга асосан

сўзларнинг семантик алоқаси синонимиянинг когнитив механизмларини очишда лингвистик омил бўлиб хизмат қилади. Матнларда синонимик муносабатларни ўрганишда контекст ва матн тушунчаларига ойдинлик киритиш лозим. Агар матннинг лингвистик воситаларини ўз ичига олса, лингвокогнитив жиҳати матнларни ҳосил қилиш ва идрок этиш жараёнларини ўз ичига олади. Бир ҳодисани турли томонларини ойдинлаштириб, фарқловчи синонимик воситалар онгда ривожланган ва мавжуд бўлган яхлит психик шаклланишларни – гештальтларни ифодалайди. Когнитив парадигмадаги гештальт ёндашув синонимик қатор чегараларини чекланмаслигини тушунишга имкон беради, чунки когнитив парадигма ўз объективлигига мос келадиган лексик birlikларни қабул қилувчи эркин хужайрани ўз ичига олади. Когнитив тилшуносликнинг ривожланиши синонимияга янгича ёндашув билан қарашга имкон яратди. Яъни луғатларда бир соҳага оид бўлган сўзлар ва унга ассоциатив бўлган лексик birlikлар кириши билан изоҳланади. Когнитив ёндашувга асосан гипероним ва гипонимларга синонимлар сифатида қараш ривожланди.

Шахсий фазилатлар концептига кирувчи сифатларнинг гештальт таҳлили инвентарли, тушунтирувчи, тезаурус синоним луғатлари асосида амалга оширилди. Таҳлил натижаларига асосан бу гуруҳга оид бўлган гештальтларни қуйидаги гуруҳларга – ижобий (*Honest, Warm, Loyal*), салбий (*Envy, Evil, Cruel*), аралаш ажратилди.

Шунингдек, шахсий фазилатлар концептини объективлаштирувчи birlikларнинг синонимик муносабатлари Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи асосида таҳлил қилинди:

Azizbek had earned himself a reputation as one of the Turkestan Khanate's most evil and tyrants. Tales of his cruelty towards the people of Tashkent had long since reached Fergana. Ушбу парчадаги *evil and tyrants* сўзлари юқорида келтирилган луғатларга асосан бир синонимик қаторда турмайди, лекин контекст доирасида улар ўртасида маъно яқинлигини кўриш мумкин.

Синонимик луғатларга ўзбек тилидаги А. Ҳожиёвнинг «Ўзбек тили синонимларининг изоҳли луғати» (1974); рус тилидаги В.Н. Ключеванинг «Краткий словарь синонимов русского языка» (1956), А.П. Евгеньева таҳрири остидаги икки жилддан иборат «Словарь синонимов русского языка» номли луғати (1970-1971); инглиз тилидаги Webster's dictionary of Synonyms (Springfield, Mass 1951), The Oxford English dictionary of Synonyms, Longman Dictionary of Contemporary English, Oxford Advanced Learner's Dictionary луғатлари киради.¹³ Ҳозирги замон инглиз тили луғати таркибида сўзларнинг адабий ва оғзаки нутққа хос гуруҳлари мавжуд. Адабий нутққа оид сўзлар китобийлик хусусиятига, оғзаки нутққа хос сўзлар сўзлашув услуби лексикасига оид сўзлар бўлиб, умумийлик хусусиятига эга. Бу икки

¹³Евгеньева А.П. Введение/Словарь синонимов русского языка. Под ред. Евгеньевой. –Л.:Наука. ЛО.Т.1.1970. – 16 с.; Хожиёв А.П. Ўзбек тили синонимлари изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1964.; Ахманова Ю.Д. Англо-русский синонимический словарь. –М.: Русский язык, 1979. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг қисқача фразеологик луғати. –Тошкент: Фан, 1966.; Webster's new dictionary of synonyms. 4th ed. Springfield Massachusetts, 1973.112-223p.

қатламнинг ўз таснифи мавжуд. Адабий нутқ лексикаси: умумий адабий сўзлар, атамалар, поэтик сўзлар, архаик сўзлар, ўзлаштира сўзлар, янги сўзларни қамраб олади. Бир қатор луғатларда (J. Fernald. English synonyms and antonyms) «go» феълнинг ҳеч қандай синоними берилмаган, бошқа луғатларда эса бу сўзнинг 11 та синоними берилган (The Nuttall dictionary of English synonyms and antonyms, 1999). Бу ҳолатни турли дарсликларда ҳам учратиш мумкин. «Advanced English» дарслигида *annoy* сўзининг синоними *irritate* деб берилган. И.Р. Гальперин дарслигида эса *bother* сўзи келтирилган. *Demade* сўзининг синоними «Advanced English» дарслигида *spoil* деб берилган, И.Р. Гальперин дарслигида эса *spoil, injure* келтирилган, лекин ҳеч қаерда *hurt* сўзи келтирилмаган¹⁴.

Ўзбек тилидаги синонимлар луғати ҳозирги ўзбек адабий тили учун характерли бўлган синонимик қаторларни ўз ичига олган. Унга фақат лексик синонимларгина киритилган. Фақат мустақил сўзлар эмас, балки ёрдамчи сўзлар ҳам синоним бўла олади. Луғатда бундай синонимик қаторлардан ҳам киритилган. Бир ўзакдан синоним аффикслар ёрдамида ясалган *қандайдир, аллақандай; раҳмсиз, бераҳм* каби сўзлар ўзаро, шунингдек, бир сўзнинг турли фонетик вариантлари (*гоҳо, гойида, год* каби) луғатда мустақил синонимик қатор сифатида келтирилмаган. Лекин бундай сўзлар бошқа сўзлар билан синоним бўлган тақдирда, шу синонимик қаторда уларнинг фонетик вариантлари ва синоним аффикслар ёрдамида ясалган сўзлар ҳам келтирилган. Масалан, *гоҳо* сўзи баъзан, *унда-бунда, ора-сира* каби сўзлар билан синоним бўлгани учун шу синонимик қаторда унинг *гоҳида, гойида, год* вариантлари ҳам келтирилган.

Юқорида тил луғат таркиби элементларининг тил меъёрига муносабати масаласини муҳокама қилганда, архаизмлар ҳам санаб ўтилди. Қуйидаги келтирилган синонимик қаторда – *дармонсиз, бедармон, мажолсиз, бемажол, мадорсиз, бемадор, қувватсиз, беқувват, камқувват* жами 9 та аъзо бўлгани билан, бу ерда бор-йўғи 4 та калит сўз бор. Булар *дармон, мажол, мадор* ва *қувват* сўзларидир. Бу сўзларнинг барчаси куч-қуввати кам, дармони қуриган маъносини билдиради. Уларнинг 4 таси туркий сўз яшаш модели асосида, 5 таси эса форсий сўз яшаш модели асосида яратилган. Аниқроғи: *дармонсиз, мажолсиз, мадорсиз, қувватсиз* сўзлари туркий сўз яшаш қолипи асосида ясалган бўлса, қолган сўзлар *бедармон, бемажол, беқувват, камқувват, бемадор* сўзлари эса форсий сўз яшаш қолиплари асосида ясалган сўзлардир.

Бу синоним қаторлар орасида ҳам функционал стилистик дисперсия (тарқалиш) кузатилади. Туркий қолипда ясалган синонимлар, одатда оғзаки сўзлашув нутқи, публицистика ва ОАВ стилида ишлатилади. Форсий қолип бўйича ясалган синонимлар эса бадиий адабиёт (проза) услуби ва шеърятда ўз ифодасини топади. Расмий ҳужжатлар стилида эса мулоқот нияти талабига

¹⁴ Fernald J.C. English synonyms and antonyms. –L.:Nabu Press, 2010. – 236 p.; Nuttall dictionary of English synonyms and antonyms. Penguin Books LTD, 1985.; Galperin I.R. Stylistics. –М.,1977. –330p.

кўра ҳар иккала тил қолипига кўра ясалган синонимлар деярли тенг миқдорда 50% – 50% пропорцияда ишлатилади.

Инглиз ва ўзбек тилларидаги луғатларнинг моҳиятини ўрганишдан асосий мақсад – синоним сўзлар таржимаси ифодасида тилнинг стилистик жиҳати асосий манба бўлиб ҳисобланади. Сўз танлашда услуби, қатлами ва албатта, маъно жиҳатларини тўлиқ мувофиқ бўлишида лексикографиянинг аҳамияти каттадир. Турли жараёнларда сўзловчи, нотик синонимия қаторидаги сўзлардан мосини танлаб олишда, луғатларнинг аҳамияти катта ҳисобланади. Албатта, бунда синонимлар қаторини тузиш ёки синоним сўзлар моҳиятини очиш семантикасини асос қилиб олиш масаланинг моҳиятини ечишда етарли эмас. Бундай ҳолатда сўзларнинг функционал қўллаш имкониятларига ҳам эътибор қаратиш лозим. Нутқда ёки бирор-бир матнда қўлланган синонимларни таҳлил қилишда бир матннинг ўзида синоним сўзлар қатнашиши шарт эмас, балки синонимик қатордаги сўзлардан бирининг функционал қўлланиши назарда тутилади. Бундай ҳолатдаги синонимлар ифодаси ажойиб нутқий ва стилистик ранг-барангликни юзага келтиради. Ушбу бобда бундай стилистик турфаликда луғатларда келтирилган синоним сўзлар қаторининг кенглиги, яъни архаик сўзлар, дублетлар, истиоризмлар, неологизмларнинг ўрни ва икки тилдаги таҳлили келтириб ўтилган.

Тадқиқотнинг учинчи боби «Синонимларнинг матнларда қўлланишининг концептуал семантик хусусиятлари» деб номланган бўлиб, мазкур бобда инглиз тилидаги матнларда синонимларнинг позицион стилистик алмашинуви, ўзбек тилидаги матнларда ва уларнинг инглиз тили таржимасида синонимларнинг стилистик алмашинуви, инглиз ва ўзбек тилларидаги синонимларни тил корпусидаги ифодаси таҳлил қилинган.

Когнитив ёндашув асосида матн таҳлили синонимик қатордан ташқари контекстга мос бўлган ностандарт бирликларни қўллашга имкон яратди. Ушбу бобда ҳар хил турдаги матнларда синонимларнинг ўзига хос хусусиятлари турлича ифодаланиши таҳлилга тортилган.

Синонимлар матнда турли вазифаларни бажариши орқали матндаги семантик майдон шаклланади:

1. Аниқлаштириш – синонимларнинг ушбу вазифаси тўлиқ бўлмаган фикрни теранлаштиради. (While my father is indeed Azizbek's *advisor* and what's more, his *closest confidant* – the bek only pays heed to my father's advice in trifling matters, allow me to give you an example. Отам Азизбекнинг *мушовири аниқроғи яқин мусоҳиби* саналса ҳам, лекин бу жузъий ишлардагинадир, бунинг учун сизга бир мисол келтирай.)

2. Ўрнини алмаштириш – матнларда ўринсиз такрорнинг олдини олиш учун синонимик қатордаги сўзлар қўлланади, аммо бир синонимик қаторни ташкил қилувчи сўзлар маъно жиҳатдан яқин бўлсалар ҳам, баъзан улардан бирини иккинчисининг ўрнида ишлатиб бўлмайди (Overcome with emotions, Atabek was sitting glumly when Khasanali entered the room, *a message* in his hand. «From Tashkent. From your father, most likely» he said, handing over *the*

Бадий услубдаги матнларда – синонимларни танлаш контекстнинг мазмунига ва персонажнинг ҳис-туйғуларига, матннинг эмоционал боқичини максимал даражага етказишга боғлиқ. Шу сабабли ушбу матн услубида синонимларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш эркин.

Публицистик услубда шаклланган матнлар образлиги, таъсирчанлиги, тасвирий воситаларнинг маҳсулдорлиги билан бадий услубга яқинлашса, диалектизм, арго ва жаргонлар ишлатилмаслиги билан узоқлашади.

Расмий ва илмий услубдаги матнларда ноаниқлик, изоҳталаб ҳолатларнинг бўлмаслиги ва улар аниқ фактларга асосланганлиги сабабли синонимлар қўлланишида бир қатор чекловлар мавжуд.

Стилистикада сўзларнинг маъносини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Бунда сўзларнинг мавҳумлик даражаси, маъно хусусиятлари, тўғри ва кўчма маъноларнинг қўлланиши, фразеологик бирикмалар, сўзларнинг ўзаро боғланиш қоидалари ҳам катта аҳамият касб этади. Айниқса, синонимик қаторга кирувчи тил бирликларига эътибор беришнинг қиёсий стилистика учун аҳамияти беқиёс. Чунки бундай таҳлиллар нутқда услубларнинг фарқланишини яққол кўрсатиб беради. Қиёсий стилистиканинг аҳамияти шундаки, услубий воситалар, умумий услубий туркумлар бўлса ҳам, улар турли тиллар учун бир хилдир.

